2

Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (12.864)

Баҳоси эркин нархда

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ – БАРЧАМИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Мамлакатимизда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури қабул қилинди

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг ўзига хос юксак маънавий ва маданий белгисидир. Ўзбек халқига азалдан хос бўлган бундай юксак фазилатлар истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича беш тамойилга асосланган тараққиётнинг «ўзбек модели» мамлакатимиз истиқболини тубдан ўзгартириш йўналишларини белгилаб берди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланган ишончли тизимни шакллантириш эса ушбу моделнинг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатлар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижтимоий соҳанинг изчил такомиллаштириб борилаётгани Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан ёрқин далолат беради. Иқтисодиётимизнинг жадал ва барқарор ривожлантирилаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йили мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақа пули ажратилди. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида «Спорт – нафислик ва саломатлик асоси» шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди.

НАФИСЛИК ВА САЛОМАТЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур фестивалда турли вазирлик ва идораларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни янада кўпроқ жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёллар ва қизлар спортини янада ривожлантириш, бу йўналишда аёл мураббияларнинг сафини янада кенгайтириш, уларнинг фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Ушбу жамоат ташкилоти томонидан ўтказилаётган спорт-соғломлаштириш акциялари, турли мусобақалар, спорт фестивалларида хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқиши ва интилиши янада ортишига хизмат қилмоқда.

«Спорт – нафислик ва саломатлик асоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад ҳам спортнинг оммавийлигини ошириш, барча ёшдаги хотин-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шароит яратишдан иборатдир. Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Давлат статистика қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари спортнинг волейбол, стол тенниси, шашка, дартс, гимнастрада каби турлари бўйича куч синашди.

Фестиваль якунида «Энг аҳил жамоа», «Жамоанинг ғалабага бўлган ишончи», «Энг қизиқарли ўйин кўрсатган жамоа», «Энг қувноқ жамоа», «Энг тезкор жамоа», «Энг интизомли жамоа» сингари ўн икки номинация бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Уларга тадбир ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА
Муҳаммад Амин олган сурат

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Баҳор келди сени сўроқлаб» дея номланган адабий-бадиий тадбир бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирга турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари таклиф этилди.

Тадбирда институт ректори Б.Сайфуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Н.Каримов, шоира Г.Жўраева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида адабиётни ривожлантириш, ижодкорлар фаолиятини рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ўзбек мумтоз адабиёти, халқ маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади.

Бу жиҳатлар серқирра ижоди, намунали ҳаёти, ижтимоий фаоллиги билан ўзбек хотин-қизларига ибрат намунаси бўлган эл севган шоира ижодига эътиборда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани, ҳар йили юртимизнинг ўнлаб энг иқтидорли қизлари ушбу мукофотга сазовор бўлиши ардоқли шоирага юксак эҳтиром ифодасидир.

Истиқлол йилларида шоиранинг ижод маҳсулларини тўплам ҳолида қайта нашр этиш, ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар олиб бориш, хотира асарларни ёзиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини китобхонлар, хусусан, ёшларга етказиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шоира асарлари она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юксак маънавиятли авлодни вояга етказиш, вафо, ҳурлик, тинчлик, дўстлик ва келажакка ишонч ғояларига йўғрилган. Унинг миллийликка уйғун шеърлари ва достонлари кўплаб тилларга таржима қилингани дунё адабиёт ихлосмандларига ўзбек шеърияти, миллий анъаналари ва ёрқин сиймолари билан яқиндан танишиш имкониятини берди.

Тадбирда шоиранинг ижодидан намуналар ўқилди, куй-қўшиқлар ижро этилди.

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ўлкамизга кўклам нафаси кириб келмоқда. Азалдан ота-боболаримиз баҳорда ҳовли, кўча ва хиёбонларни чиқиндилардан тозалаб, деворларни оқлаб, дарахт ва гул кўчатларини экиб келишган.

Яқинлашиб келаётган Наврўзи оламга ҳар биримиз жонажон шаҳримизнинг янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

«Кексаларни эъзозлаш йили»да савобли ишлар қилиб, нуроний отахону онахонларимизнинг дуоларини олайлик. Ҳар бир фарзандимизга атаб биттадан дарахт кўчати экиб, уни парваришлайлик. Ахир халқимиз «Яхшидан боғ қолади» деб бежиз айтмаган.

Маҳалла-кўй, кекса-ю ёш ҳамжиҳат бўлиб маҳаллаларимиз, мавзеларимизни, кўп қаватли уйлар ва ҳовлиларимиз атрофларини, кўча, болалар майдончаларини обод қилайлик.

— Кириш йўлакларини озода қилиб барака йўлини очайлик;

— Халқимизда хосиятсиз ҳисобланган қуриган дарахт ва шохларни бартараф этайлик;

— Дарахт ва буталарга шакл бериб, уларни оқлайлик;

— Томорқа ва ҳудуддаги бўш ерлар юзасини қуриган ўтлардан тозалайлик;

— Ариқ ва ирригация тармоқларини тозалаб, сувга йўл очиб берайлик;

— Ҳовлимиз ҳусни ва кўркини бузиб турган турли чиқиндилардан халос этайлик;

— Фарзандларимиз ва набираларимиз учун болалар майдончаларини тозалаб, уларни таъмирлашга ҳисса қўшайлик;

— Қабристон ва зиёратгоҳларни обод қилайлик;



— Автотураргоҳ ва гаражлар атрофини тартибга келтирайлик.

Бу савобли ва хайрли ишларда ҳар биримиз фаол иштирок этиб, намуна кўрсатайлик.

Биз пойтахт аҳли жонажон юртимизнинг юраги бўлмиш — азим Тошкентни кўз қорачиғидай асраш, тинчлигимизни мустаҳкамлаш, доимо сергак бўлиб, шаҳримизни янада обод, кўркам, бетакрор ва гўзал масканга айлантириш учун масъул эканлигимизни ҳеч қачон унутмайлик.

Барча ҳамшаҳарларимизни ушбу эзгу ишда фаол ва ҳамжиҳат бўлишга чақирамиз!

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Тошкент шаҳар жамоатчилик кенгаши

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро сайлов округи ҳамкорлигида «Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш» мавзусида семинар ўтказилди. Кенг жамоатчилик вакиллари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрларга тўла жавоб берадиган миллий сайлов қонунчилиги яратилгани таъкидланди.

● Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўтказилган аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш масалаларига бағишланган семинарда жорий йилнинг 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг демократик тамойиллар асосида юқори савияда ўтишини таъминлашга қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий тайёргарлик ишлари ҳақида сўз борди.

● Навоийда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида «Нима қилдик Ватан учун!» шиори остида ижодий фестиваль бўлиб ўтди.

● Қашқадарёда глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, ахборот хизматлари ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Нью-Йорк шарқий округининг прокурори Лоретта Линчнинг маълумотига қараганда, АҚШнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан машҳур мусаввир Пабло Пикассонинг Францияда 2001 йилда ўғирланган сурати топилган. «Сартарош аёл» деб номланган ушбу картина Париждаги Помпиду марказининг музейидан ўғирланган эди. Мутахассисларнинг фикрича 1911 йилда ишланган ушбу суратнинг нархи миллионлаб долларни ташкил этади.

● «SOHO» номли қуёшни кузатишга ихтисослашган космик аппарат коинотдан янги ғайритабиий кометани топишга муваффақ бўлди. SOHO-2875 номини олган кометанинг ўзига хос томони шундаки, у ҳеч қайси кометалар авлодига кирмайди. Шунингдек, қуёшга жуда яқинлашганига қарамай, омон қолган. Чунончи, яқинда ушбу комета қуёш юзасидан атиги 3,5 миллион километрлик масофадан бемалол учиб ўтган. Одатда бундай масофага яқинлашган кометалар буғланиб кетади.

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар ҳам кекса авлод вакилларига моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатмоқда ва бу борадаги ишлар кўлами мунтазам кенгайиб бораётир. Масалан, ўтган йили кекса ёшдаги фуқаролар ҳаётини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни, «Доридармон» акциядорлик компанияси, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ушбу ташкилотлар кўмагида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида саёҳатда бўлди, амбулатория ва стационар даволаш муассасаларида даволанди, санаторийларда саломатлигини тиклади.

Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилмоқда. Зеро, улар юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига катта ҳисса қўшган.

Жорий йилда ҳам ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ушбу йўналишда янги ташаббусларни бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида жорий йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар белгилаб берилган. Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йилларда-ги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Олти бўлимдан иборат ушбу дастурда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чиқилаётган ҳужжатларга мувофиқ, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш режалаштирилган.

Кексалар, аввалambор, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш кучайтирилади, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхати кенгайтирилади. Уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайтирилади.

Мисол учун, бу йил 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бири мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизор ва мобиль телефонлар билан бепул таъминланади, уларга маҳаллий ва шаҳарлараро чиқиш қўнғироқлари учун ҳар ой абонент тўлови олинмасдан 60 дақиқалик бепул лимит берилади. Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари мамлакатимиздаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бориш учун йилига бир марта темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқидан, шунингдек, ҳаво транспортида 50 фоиз миқдоридаги чегирмадан (бориш-келиш) фойдаланиши мумкин.

Давлат дастурида фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, жорий йилда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш ташкил қилинади.

Бундан ташқари, бу йил ёши улуғ инсонлар кинотеатр, театр, музей, концерт томошалари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга бепул бориш имкониятига эга бўлади. 100 ва ундан катта ёшдаги кишиларни улуғлаш учун «Аср билан юзма-юз» акцияси ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш режалаштирилган.

Кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини янги босқичга кўтаришга доир ишлар самарадорлиги оширилади, улар учун туман ва маҳаллаларда қизиқиши бўйича клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шуниси диққатга сазоворки, барча маҳаллаларда отахонлар чойхоналари ташкил этилади ва уларда зарур шароитлар яратилади. Одатда чойхонада маҳалла аҳли бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, шахмат-шашка ўйнаш учун тўпланади. Энди бу ерда улар биргаликда телевизор орқали махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар томоша қилиши мумкин. Жорий йилда кексалар учун мўлжалланган бундай томошалар тайёрлаш янада кўпаяди.

Маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган сектор мустаҳкамланади, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идоралар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатувчи идоралар фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар учун «Кексалар дуосини олайлик» акциясини ўтказиш ва тадбир доирасида уларни зарур мебель ва уй жиҳозлари, кийим-кечак, бадиий адабиёт, стол ўйинлари тўпламлари билан таъминлаш режалаштирилган.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида тадбирлар ўтказиш мўлжалланган. Бу тадбирлар доирасида ҳар бир вилоятдан кекса авлод вакилларини мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш учун саёҳат уюштириш, «Энг яхши маҳалла гузари», «Кексалар – оила таянчи» ҳудудий кўрик-танловлари ўтказилади.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган ушбу хайрли ишларни амалга ошириш учун 2 триллион 246,5 миллиард сўм ва 229,6 миллион доллар ажратиш кўзда тутилган.

Бугунги дориломон кунларда умргузаронлик қилаётган фахрийларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларга эътибор қаратиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ҳам кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди. Ушбу фармон фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган юртдошларимиз – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб ҳурмат-эҳтиром билан шарафлаш мақсадида қабул қилинди.

Инсон жасоратини эсга олиш ва уни қадрлаш бебаҳо маънавий бойлик, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган қадриятларимиздан биридир. Давлатнинг куч-қудрати нафақат унинг армияси билан, балки мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фуқароларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, ватанпарварлиги, ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлигида ҳам намоён бўлади. Зеро, бу муқаддас замин – Ўзбекистонда инсон азиздир.

Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айни пайтда катта маънавий-руҳий мададдир. Юртимизда бундай ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик туйғуси фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончида, ёш авлодни Ватанга, мустақилликнинг буюк ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўз ифодасини топмоқда.

(ЎзА)

29 март — сайлов куни

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ ТУЗИЛМОҚДА

Мамлакатимизда 29 март куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан 653 та сайлов участкаси тузилиб, уларнинг ҳудудий чегаралари ва участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби матбуотда эълон қилинди. Айни пайтда шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарликнинг сайловчилар рўйхатини тузиш босқичи жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

— Маълумки, амалдаги қонунчиликка биноан, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Жовдат Инагамов. — Туман ҳокимликлари томонидан участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар тўғрисидаги зарур маълумотлар тақдим этилди. Шу кунларда участка сайлов комиссиялари томонидан овоз беришда қатнашадиган фуқароларнинг рўйхатига аниқлик киритиш, сайловчиларнинг рўйхатини тузиш ишлари олиб борилаяпти.

Бу жараёнда сайлов куни биринчи бор овоз берадиган ёшлар билан миллий сайлов тизимига оид қонун ҳужжатлари ҳамда сайловчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида суҳбатлар ташкил этилаётганини айтиш зарур. Шаҳримиз бўйича 1 миллион 726 минг 841 нафар фуқаро сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Демократия кўзгуси бўлган муҳим сиёсий тадбирни халқаро андозаларга мос равишда юқори савияда ўтказиш ҳамда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва холис ифода этишлари учун мавжуд барча имкониятларни яратиш бўйича кенг қамровли ташкилий-тадбирий ишлар олиб борилмоқда.



ТАЛАБА-ЁШЛАР БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДА

Бугун биз йилнинг муҳим сиёсий воқеаси — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибмиз. Мамлакатимизда ушбу жараёнга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўлиқ амалга ошиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Жойларда аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган семинарлар ташкил этилиб, уларнинг бу борадаги билимлари мустаҳкамланмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирокида ўтказилган семинар ҳам айнан юқоридаги мақсадга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

Учрашувни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Миллий университети проректори Б. Зокиров «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни кенг тушунтириш масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси умумий бўлими мудири Ғ.Машкуров, Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Ш.Сирожиддинов, Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси мудири Н.Мажидов, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти Т.Эшбековларнинг мавзу бўйича маърузалари тингланди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ: «Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади...»

Ўзаро мулоқот, фикр алмашиш руҳида ва савол-жавоблар билан ўтган ушбу семинардан талаба-ёшлар ўзлари учун керакли маълумотларни олдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Фуқароларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига маълумот тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ўз аксини топган.

КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚҚА ОИД ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР

Жумладан, Солиқ кодексининг 84-моддасига асосан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январь ҳолатига кўра маълумот бериши, шунингдек, ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда — мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиниши шартлиги белгилаб ўтилган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 272-моддасига асосан мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг 273-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала-ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир. Солиқ кодексининг 274-моддасига асосан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган (масалан, Тошкент шаҳар «Ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат муассасаси ва унинг туманлардаги бўлимлари) томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

Булардан ташқари, Солиқ кодексининг 277-моддасига асосан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
Мирзо Улуғбек туман ДСИ бошлиғи ўринбосари

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сонли Қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 17-сон, 131-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2014 йил 24 декабрдаги 84-сонли ҳамда 2014-37-сонли қарори (рўйхат рақами 2643, 2014 йил 26 декабрь) («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 29 декабрь, 52-сон, 636-модда) билан «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари» тасдиқланганлигини инобатга олиб, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

«Iste`molda bo`lgan transport vositalari va ehtiyot qismlar Sergeli bozori» масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинадиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари ва «O`rikzor savdo kompleksi» масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинадиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари 1.1 ва 1.2-иловаларга мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплексларида инвентарларини ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларининг миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўлов миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.А.Абдумажитов), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими (Р.Раимов), Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси (У.Х.Баходиров), «Тошбозорсавдо» уюшмаси (А.С.Хамраев):

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, тўловлар, ижара ҳақи тўловлари ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 4 мартдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 213-сонли қарори (3, 4-бандларидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси ва Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.А.Абдумажитов зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2015 йил 24 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Бу ҳикматни ҳар биримиз қалбимизга жо айлаб, маҳалламизнинг тоза ва озода бўлишига ҳиссамизни қўшишимиз ҳам фарз, ҳам қарз

Баҳор яқинлашиши билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ён-атрофни тозалаш ва саранжом-саришта қилишдек ажойиб бир анъана халқимизга хос.

Обод ва файзли манзилларга борсангиз, ўзўзидан руҳингиз яйрайди, бундай ишларни амалга оширганларга тасанно дегингиз келади. Баъзида эса бундай манзаранинг аксига дуч келиб, боқибеғамлик ҳолатидан афсус, дейсиз...

Бу йил қиш фасли анчайин илиқ келди. Бундан фойдаланиб кўпчилик меҳнатсевар кишилар ободончилик ва таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Дарахтларга шакл бериш, ён-атрофни тозалаш ва тартибга келтириш юмушлари олиб борилмоқда. Фақат танбал ва лоқайдларгина бундай хайрли ишлардан четда туришлари мумкин.

Хабарингиз бор, ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари «Тозалик куни» деб белгиланган. Бундан шаҳримиз кўчалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли истиқомат қиладиган кўп қаватли уйларнинг ён-атрофи, кириш йўлаклари, болалар майдончалари ва бошқа жойларни озода сақлаш мақсади кўзда тутилган.

Албатта, шаҳримизда бу борада намуна бўлаётган илғор маҳаллалар, обод, ораста ва сариштa корхона ва ташкилотлар, шинам ва озода кўп қаватли уйлар – талайгина. Лекин: *«Гуруч курмаксиз бўлмайди»*, – деганларидек, ундабунда орасталикка путур етказаётган, кўнгилни хира қилаётган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Сафаримизни **Миробод** туманидан бошладик. Биринчи манзилга бориб, дилимиз равшан тортди. «Дунё коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУЖМШ)га қарашли Ойбек кўчасида жойлашган 49-уйнинг ён-атрофи, кириш йўлаклари, болалар майдончаси рисоладагидек. Уйда 12 та кириш йўлаги бўлиб, уларнинг бари тоза-озода, ажойиб тарзда таъмирланган. Болалар майдончасига қараб ҳавасингиз келади.

Миробод кўчаси, 27/4-уйнинг олд қисмида эса умуман тозалик ишлари олиб борилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. «Боғишамол баҳори коммунал сервис» ХУЖМШга қарашли уйнинг кириш йўлаклари ён-атрофида ҳар хил майда чиқиндилар, эшикда тартибсиз ёпиштириб ташланган турли эълон қоғозлари хунук бир кўриниш ҳосил қилган.

Мирободдан Чилонзор томон кета туриб йўл-йўлакай **Яккасарой** туманининг баъзи жойларида тўхтаб ўтдик. Боғсарой кўчасидаги «Марьям луч» ХУЖМШга қарашли 41-уйнинг олд қисми бизни қувонтирди. Ён-атрофда бирон та чиқиндини кўрмайсиз, ҳаммаёқ чиройли ва тартибли. Болалар майдончаси ҳам рисоладагидек. Уй атрофига қулай қилиб ўрнатилган ўриндиқлар одамларнинг тоза ҳавода мириқиб ҳордиқ чиқаришига хизмат қилмоқда.

Яккасарой тумани, Миробод кўчасидаги 12-уйнинг атрофидаги ҳолат эса бунинг мутлақо тескариси. «Миробод бирдамлик» ХУЖМШга қарашли уйнинг тўққизинчи кириш йўлаги ёнида оддий тил билан айтганда, бир дунё чиқинди тўпланиб қўйилган.

Чилонзор тумани, «Навбаҳор» маҳалласидаги «Чин бахт сервис» ХУЖМШга қарашли 38-уйнинг атрофидаги тартиб ва озодаликни кўриб «ана, шундай қилса бўларкан-ку», деган фикр хаёлимиздан ўтди.

Шу туманнинг 18-мавзесига борганимизда дилларимиз бир оз хира тортди. «Меҳржон коммуналчи бир» ХУЖМШга қарашли биринчи уйнинг атрофи кўнглимизни хира қилди. Йўлакнинг олди ва атрофи тозаланмаган, эшикка қора ранг билан катта қилиб аллақандай ёзувлар ёзилган. Бу ерда қачонлардир йиғилган дарахт барглари ҳамон олинмасдан турибди.

